

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМОВА МАСТУРА ХАКИМДЖОНОВНА

БАДИИЙ МАТНДА БУРЧ/ВИЖДОН (ИНСОФ) КОНЦЕПТУАЛ
ТУШУНЧАЛАРИ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯСИНИНГ ТАРЖИМА
ЖАРАЁНИДАГИ КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Эгамова Мастура Хакимджоновна

Бадий матнда бурч/виждон (инсоф) концептуал тушунчалари
репрезентациясининг таржима жараёнидаги когнитив хусусиятлари 3

Эгамова Мастура Хакимджоновна

Когнитивная специфика репрезентации концептуальных
представлений «долг/совесть» в художественном тексте и в процессе
перевода 27

Egamova Mastura Hakimdjanovna

Cognitive specificity of representation of the concepts «Duty /Conscience»
in literary text and in the process of translation 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМОВА МАСТУРА ХАКИМДЖОНОВНА

БАДИЙ МАТНДА БУРЧ/ВИЖДОН (ИНСОФ) КОНЦЕПТУАЛ
ТУШУНЧАЛАРИ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯСИНИНГ ТАРЖИМА
ЖАРАЁНИДАГИ КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil436 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулмаматов Дўстмамат Сатторович
филология фанлари доктори, профессор

Арустамян Яна Юрьевна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2021 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д, профессор

Н.Э.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А. Сиддикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология ф.д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон замонавий адабиётшунослигида кечаётган глобал миқёсдаги маданий ривож натижасида нафақат алоҳида олинган асарлар қаҳрамонлари образи талқинида, балки бутун бошли бадиий матнларнинг таҳлилига ёндашувларда ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда, бинобарин, когнитивизм тамойилларига асосланган янги илмий йўналиш – когнитив адабиётшуносликнинг юзага келиши унинг лингвомаданиятшунослик ва таржимашунослик билан яқинлашувига сабаб бўлди. Замонавий таржимашуносликка хос бўлган антропоцентризм, ҳамда унинг маълум бир маданиятдан бошқасига мазмун ташувчи мураккаб синергетик тизим сифатида эътироф этилиши бадиий матн концентросиферасини ўрганишни тақозо этмоқда, хусусан, бадиий асарларнинг лингвомаданиятшунослик нуқтаи-назаридан тадқиқи асар мансуб бўлган халқ дунёқарашидagi миллий ўзига хосликлар ва аксиологик меъёрлар ҳақидаги билим ва тушунчаларсиз амалга ошириб бўлмайдиган ҳолат ҳисобланади.

Дунё филология фанида бугунги кунда олимларнинг алоҳида эътибори ёзувчи ижодида миллий ўзига хосликнинг акс этиши билан боғлиқ муаммоларга, уйғун ва синергетик таржима масалалари, айрим муаллифлар асарларида у ёки бу концептнинг аҳамиятини ва уларнинг воқеланишини белгилашга қаратилган. Жумладан, «бурч» ва «диёнат» аксиологик концептлари асар концептосферасининг негизини ташкил қилиб, унинг ахлоқий моҳиятини белгилаб беради, шу йусинда бадиий концептлар, қаҳрамонлар субматни, концептларнинг таржимада воқеланиш усуллариини ўрганишига доир янги ёндашувларни шакллантирувчи тадқиқот йўналишлари энг долзарб ва истиқболли ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда азалий маданий қадриятларни ўрганиш ва сақлаш, адабий меросни чуқур тадқиқ қилиш учун барча шароитлар яратилмоқда. 2019 йил 30 октябрда «Илм ва илмий фаолият тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди¹. Мазкур меъёрий актга биноан, олий таълим муассасаларида илмий фаолият таълим жараёни билан биргаликда амалга оширилиши лозим. Замонавий ўзбек адабиётини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларга лингвомаданиятшунослик, когнитив адабиётшунослик, таржимашунослик, лингвокогнитология каби замонавий йўналишларда тадқиқот олиб бориш учун бой материални тақдим этади. Адабиёт баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили ҳисобланади, шу боис, уни ўқитишнинг аҳамияти беқиёс, бинобарин, бадиий матнда «бурч ва диёнат» каби инсонийликка даъват қилувчи аксиологик концептларни тадқиқ қилиш бугунги куннинг маънавий ва тарбиявий талаблари доирасидаги ходисадир. Гуманитар таълимнинг устувор вазифалари сирасига ўзбек муаллифларининг асарларини бошқа тилларга уйғун таржима қилиш қобилиятига эга, илм-фан ютуқларидан хабардор бўлган таржимонларнинг янги авлодини тайёрлаш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2019/10/30/ilmiy-faoliyat/>

бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида бадиий таржима муаммоси кўплаб хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот объекти бўлган². Замонавий ўзбек тилшунослигида бадиий таржиманинг воқеланиш муаммоси қатор диссертациялар, монография ва илмий тадқиқотларда ўрганилган³. Бадиий концепт типологияси ва тузилмасига оид масалалар ҳам анчагина муфассал ўрганилган⁴. Л.В.Миллер ва Н.В.Володиналарнинг тадқиқотларида «персонаж концептлар»ининг мавжудлиги тўғрисидаги ғоя

² Комиссаров В.Н. Когнитивные аспекты перевода// Перевод и лингвистика текста. – М., 2004. – С.20-31.; Швейцер А.Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. – М.: Наука, 1988. – 215с.; Бархударов Л. С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). М., «Международные отношения», 1975. – 240 с.; Гарбовский Н.К. Теория перевода: – М.: Из-во Моск.-у-та, 2004. – 544с.; Рикёр, П. Парадигма перевода / Пер. М. Эдельман – лекция, прочитанная на факультете протестантской теологии в Париже в октябре 1998 года.; Nida E. Language, Culture and Translating, - Shanghai: Foreign language Education Press, 1993.; Newmark P. The linguistic and communicative stages in translation theory // Translation studies. – L.: Routledge, 2009. – p. 20-35.; Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. – Т.6 Янги авлод, 2016.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005.

³ Холбеков, М. Н. Жаҳон таржимачилиги анъаналари. – Т: Навруз, 2016.-116 б.; Бакоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан узбек тилига шеърлар таржима ва киёсий шеършуносликмуаммолари. – Т: Фан, 2015. – 286 б.; Джусупов Н.М.Инглиз тилидаги бадиий матнда илгари суриш воситаларининг когнитив стилистик асослари. Филол.фанлари докт.дисс.авторереферати. – Т., 2020. – 81 б.; Нормуродова Н.З. Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе. Дисс... докт.наук (DSc) по филол. наук. – Т., 2020. – 78 с.; Рахимов Ғ.таржима назарияси в амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016.

⁴ Алифиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта, 2010. – 222 с.; Болотнова Н.С.Коммуникативная стилистика текста. Словарь-тезаурус. – М: Флинта, 2009. – 384 с.; Миллер Л. В. Лингвокогнитивные механизмы формирования художественной картины мира (на материале русской литературы): Дисс. ... д-ра филол. наук. СПб., 2004. – 303 с.; Бабенко Л.Г. Филологический анализ текста. Основы теории, принципы и аспекты. -Екатеринбург: Деловая книга, 2004. – 464 с.; Зусман В.Г. Зинченко В.Г. Кирнозе З.И. Методы изучения литературы. Системный подход: учебное пособие. – М: Флинта: Наука, 2011. – С.280.; Володина Н.В. Концепты, универсалии, стереотипы в сфере литературоведения. – М.: Флинта: Наука, 2010. – 256с.; Маслова Ж.Н. Когнитивная концепция поэтической картины мира. – М.: Флинта, 2012. – 420с.

илгари сурилган бўлиб, тадқиқотимизда ушбу ғоя ўзбек насри материалига татбиқ қилинди.

Таржима соҳаси тадқиқотчилари асл матн концептосферасини синергетик уйғун стратегияга асосланган ҳолда когнитив - дискурсив аспектида ўрганишни қўллаб – қувватламоқда⁵.

Бироқ, у ёки бу ўзбек миллий концептларнинг бадиий матн доирасида ва таржима фаолияти кўламида воқеланиш хусусиятларини ўрганиш муаммоси ҳар доим ҳам тадқиқотчилар диққат марказида эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Таржимашунослик ва замонавий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «бурч ва виждон» концептларининг замонавий ўзбек насрий матнлари ва уларнинг рус тилига қилинган таржималарида акс топишининг когнитив жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали замонавий ўзбек насри ва Ўзбекистоннинг русийзабон ёзувчилар асарлари намуналарида «персонаж концепти» ҳодисасининг воқеланишини таҳлил қилишдан иборат;

Тадқиқотнинг вазифалари:

«бадиий концепт» тушунчасини адабиётнинг микромоделли сифатида белгилаш ҳамда уни таржима қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

ўзбек муаллифлар ҳамда Ўзбекистон русийзабон ёзувчиларининг асарларида учрайдиган «дала одами», «бурч одами», «вазият эгаси» каби образли концептларни ажратиб кўрсатиш;

«бурч/виждон» концептларнинг номинатив майдони, ва уларнинг маънонинг таркибий қисми – концепт-унсур, субконцепт сингари когнитив ҳосилаларини аниқлаш;

муаллиф ва таржимон менталитетининг миллий ўзига хослигини инобатга олган ҳолда аслият ва таржима матндаги концептларнинг нутқий воқеланиш жараёнини таққослаш;

концептнинг устувор маъносини ёки уни когнитив тузилма таркибига кириш тартибини аниқлаш, «персонажлар субматнлари»даги концептуал майдонлар доирасида уларнинг ўзаро муносабатини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек насри ва ўзбекистонлик русийзабон ёзувчиларнинг асарларидаги «бурч» ва «виждон» бадиий концептини ифодаловчи лисоний воситалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ёзувчининг бадиий онгидаги асосий аксиологик белгиларни акс эттирувчи «бурч-диёнат» бадиий концептлари ва когнитив тузилмалар вербаллашув жараёнида намоён бўладиган когнитив ҳамда

⁵ Коршунова Н.Г. Симметрия/асимметрия и синергетическая система перевода // Введение в синергетику перевода. – Пермь.: Изд.-во Пермского национального политехнического университета, 2014. – С.68-90.; Фесенко Т.А. Специфика национального культурного пространства в зеркале перевода. – Тамбов: Из-во ТГУ, 2002. – 228с.; Воскобойников Д.Г. Лингвофилософские основания общей когнитивной теории перевода.: Автореф. дисс... докт.филол.наук. – Иркутск, 2004. – 296 с.; Сафаров Ш. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. – Т.: Наврўз, 2019 – 299 б.; Широнова Р. Бадиий таржимада олам миллий манзараси. – Т.: Tuton zamini ziyo, 2017. – 207 б.

лингвомаданий хусусиятлари ва уларнинг таржимада вокеланишини ёритиш ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Назарий материал ва бадиий матнларни тадқиқ қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланилган:

матндаги турли вазиятларда концептлар фаоллашувини белгиловчи контекст таҳлил усули;

таржима учун муҳим аҳамият касб этувчи фаоллашган концептлар жамланмасини белгилаш имконини берувчи концептуал таҳлил усули;

таҳлил ва таржима жараёнида қиёслаш усули;

рус тилига таржима қилишда концепт мазмунининг мувофиқлигини таъминловчи когнитив-герменевтик таҳлил усули;

компонент таҳлил, матнга талқиний ёндашув тамойилларини ҳамда концептнинг «номинатив майдонини» моделлаштиришни ўз ичига олган мажмуавий услуб.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

бадиий матнда образли концептларнинг «дала одами», «бурч одами» ва «вазият эгаси» каби учта тури ҳамда уларнинг «маъно когницияси» йуналишидаги замонавий адабиётшуносликнинг атамалар тизимидаги ўрни асосланган;

бадиий асар яратилишида «бурч», «виждон» бадиий концептларининг вокеланиш усуллари ҳамда тадқиқ қилинган асарларнинг русча таржимасида уларни когнитив шакллантирувчи воситалар гуруҳи далилланган;

концептнинг устувор маъноси ва уни когнитив тузилмалар таркибига кириши асосида «персонаж субматнлар»даги концептуал майдонлар доирасида уларнинг ўзаро муносабати ва таржима амалиётида антропоцентризм билан боғлиқ бўлган концептлар таржимасининг синергетик модели далилланган;

ўзбек насри намуналаридаги ўзига хос муаллифлик концептосфераларида салмоқли ўрин тутувчи «бурч» ва «виждон» концептларининг бадиий асар мазмунида миллий концептосфера ва миллий ўзига хосликнинг қахрамон менталитети ёрдамида яққол намоён бўлиши билан юзага чиқиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

замонавий адабиётшуносликнинг атамалар тизимида илк бор образли «дала одами», «бурч одами» ва «вазият эгаси» каби учта тури киритилган;

концептуал таҳлилнинг ишлаб чиқилган услубияти универсал хусусиятларга эга бўлиб, ўзига хос муаллифлик концептосфераларига кирувчи бошқа бадиий концептларни тадқиқ қилиш жараёнида ҳам қўлланилиши очиб берилган;

муайян асарнинг концептуал тузилишини белгиловчи концептларнинг муҳим хусусиятлари аниқланган бўлиб, бундай таҳлил натижалари концептуал майдонлар чегараларини белгилашда муҳимлиги исботланган;

тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларининг ўзбек ва рус филологияси, таржимашунослик йўналишлари талабалари учун услубий ва таҳлилий материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва таҳлил усуллариининг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсифларнинг амалиётда жорий қилингани, олинган

натижалар жорийланишининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот натижалари когнитив адабиётшуносликнинг мустақил илмий йўналиш сифатидаги ривожига ҳисса қўшиши билан белгиланади ва шу билан бир қаторда, ишда қўлланилган мажмуавий таҳлил усули бадиий асарни муаллифнинг маънавий дунёси ҳамда лингвомаданий қобилиятини инобатга олган ҳолда кенг контекстда ўрганилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради ҳамда таржимашунослик соҳасидаги илмий изланишлар, концептларнинг дискурсив таҳлили уларнинг таржима жараёнидаги ривожини герменевтик англаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда тақдим этилган тадқиқот материаллари ва эришилган хулосалари филолог мутахассислар, таржимонларни тайёрлаш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, улар магистрлик диссертацияларини ёзиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда хизмат қилиши ҳамда ўзбек ва рус адабиётига оид назарий ва амалий машғулотларини олиб бориш учун материалларни бойитиши мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий онгдаги асосий аксиологик белгиларни акс эттирувчи «бурч-виждон» бадиий концептлари ва когнитив тузилмалар вербаллашув жараёнидаги когнитив ва лингвомаданий хусусиятлари ҳамда уларнинг таржимада воқеланишига оид ишлаб чиқилган илмий ва амалий натижалар асосида:

бадиий матнда образли концептларнинг «дала одами», «бурч одами» ва «вазият эгаси» каби учта тури ҳамда уларнинг «маъно когницияси» йўналишидаги замонавий адабиётшуносликнинг атамалар тизимидаги ўрни ишлаб чиқилишига доир хулосалардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган ИТД-1, А-1-209 «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» номли амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетнинг 2021 йил 13 январдаги 01/68-сон маълумотномаси). Натижада ушбу маълумотлар ва таҳлил методлари лойиҳа доирасида яратилган матн лингвистикаси (8-9 боблар), бадиий матн стилистикаси (5 боби), концепт ва унинг бадиий матнда акс этиши, концептнинг тилшуносликдаги лингво-стилистик вазифалари ҳақидаги хулосалар когнитив лингвистика (5.1., 5.2 бўлимлари) бўйича ўқув қўлланмалари мазмунини бойитишга хизмат қилган;

бадиий асар яратилишида «бурч», «виждон» бадиий концептларининг вербаллашув ва воқеланиш усуллари ҳамда тадқиқ қилинган асарларнинг русча таржимасида уларни когнитив шакллантирувчи воситалар гуруҳи борасидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 16 мартдаги 639/30.02.01-сон

маълумотномаси). Натижада мазкур концептлар акс топган виртуал ресурслар шакллантирилиб, бевосита таълим жараёнига татбиқ этилган;

концептнинг устувор маъноси ва уни когнитив тузилмалар таркибига кириши асосида «персонаж субматнлар»даги концептуал майдонлар доирасида уларнинг ўзаро муносабати ва таржима амалиётида антропоцентризм билан боғлиқ бўлган концептлар таржимасининг синергетик моделига оид хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалга оширилган Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMER: «Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида қўлланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 15 мартдаги 618/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот ишидаги таҳлил натижалари лойиҳанинг жорий қилиниши ва халқаролаштирилишига хизмат қилган;

Ўзбек насри намуналаридаги ўзига хос муаллифлик концептосфераларида салмоқли ўрин тутувчи «бурч» ва «виждон» концептларининг бадиий асар мазмунида миллий концептосфера ва миллий ўзига хосликнинг қаҳрамон менталитети ёрдамида яққол намоён бўлиши билан юзага чиқишига оид натижалардан «Матннинг стилистик таҳлили», «Ўрганилаётган тилнинг назарий аспекти», «Лингвистик таҳлил методлари» каби фанларнинг назарий асосларини бойитишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 615/30.01.01-сон маълумотномаси). Натижада юқорида кўрсатилган фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлиги, талабаларнинг мазкур фанлар бўйича билимларининг ошиши ва ўқув материалларини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий мақола ва тезис нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бадиий матнда бурч/виждон концептларининг таржима жараёнида воқеаланиши**» деб номланади. Олимларнинг сўнгги йиллардаги изланишлари (Л.В. Миллер, В.Г. Зусман, И.Г. Тарасова, Т.И. Васильева, Н.В. Болотнова, Н.В. Володина, Ж.Н. Маслова) концептни бадиий асарда тўлақонли намоён бўладиган адабиётшунослик категорияси сифатида қараш имконини бермоқда. Замонавий филология фанида концепт муаллиф концептосфераси доирасида ҳар томонлама ўрганилмоқда, зеро «Бадиий матн муаллифнинг когнитив-ижодий мавқеини белгилаб олишга мўлжалланган концептуал макон ҳисобланади»⁶.

Бадиий концепт тушунчасига берилаётган таърифлар ушбу ҳодисанинг кўп қирралиги билан изоҳланади. Мазкур тадқиқот доирасида Л.Г. Бабенко, Н.Ф. Алефиренко, В.А. Маслова, Е.А. Огнева, В.Г. Зинченколарнинг бадиий концепт типологияси ва тузилиши ҳақидаги фикрларидан фойдаланилди. С.А. Аскольдов-Алексеев ўз пайтида бадиий концептни «маъноларнинг ўрама» тариқасида кўриб чиқиб, унинг юқори даражада образлашгани, бадиий таъсирининг фавқулудда ўткирлигини» таъкидлаган, чунки улар ўз таркибида «муҳассамланган мазмундан ортиқ маънони ифодалайди ҳамда ўша маъно уларнинг чегарасидан ташқарида жойлашган»⁷ Ш.С. Сафаров «Когнитив тилшунослик» рисоласида «концепт индивидуал образ яралиши билан бошланиб, лисоний бирлик вужудга келиши билан яқунлаши»ни таъкидлайди⁸.

Маълумки, бадиий асар муаллифининг онги матнда воқеланган ботиний ва зоҳирий лисоний омилларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ. Муаллиф уни қизиқтирувчи унсурларнинг, яъни «асосий концептларнинг» мазмунини батафсил тасвирлаш мақсадида, ўқувчини матннинг асосий мазмунига мувофиқ йўналтириш учун асарнинг тегишли ўринларини таъкидлаб кўрсатади. Асосий концептларнинг очиб берилиши матндаги калит сўзлар йиғиндисининг аниқланишидан иборат.

Айтилганларидан бадиий концептнинг матн ва муаллифлик фаолияти орқали вазифавий ва прагматик шартланганлиги унинг мажбурий белгиси эканлиги ҳақида ҳулоса чиқаришимиз мумкин, чунки концепт бадиий матндан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Бадиий концепт тушунчаси остида онг, тил ва бадиий матнни тадқиқ қилишда қўлланиладиган ментал бирликни англаш ғояси илгари сурилади. Концепт онг соҳаси тушунчалари қаторига тегишли бўлиб, тил мазкур концептнинг воқеланиш майдони ҳисобланади.

В.З. Демьянков концептни билиш воситаси сифатида талқин қилган: «...концепт асарнинг бадиий олами ҳамда миллий дунёқарашни биргаликда кўриб чиқишга имкон берувчи воситадир. Концептни таҳлил бирлиги туркумига киритганда, адабиётшунослик асарнинг образли негизини умуммиллий ассоциатив-вербал тармоғига кўшиш имконини яратиб беради»⁹. Ушбу таъриф ХХ-аср охири-ХХI-аср бошидаги ўзбек насрий асарлари концептуал таҳлилининг

⁶ Витковская Л.В. Когниция смысла. Литературоведение XXI века. – Пятигорск, 2012. –С.236.

⁷ Аскольдов С.А. Концепт и слово //Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. – М.:1997. – С.267-279.

⁸ Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. - Жиззах.: Сангзор, 2006. -91. б

⁹ Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественной литературе и в научном языке// Вопросы филологии 2001, №1. – С.187-189.

истикболини белгилашга хизмат қилади. Наздимизда, маълум миллатга мансуб муаллиф томонидан тақдим этилган концептни таҳлил қилганда ижодкор миллий дунёқараши, унинг маданий қизиқишлари, яъни лисоний шахсияти хусусиятларини инобатга олиш зарур.

М.Р. Галиева ўринли таъкидлаганидек, «Тадқиқ қилинган концепт тузилмасининг қийматли таркибий қисми унинг вербаллашувидаги барча сатҳларда кўпсонли когнитив-концептуал белгилар воситасида тақдим этилади. Мазкур ҳолат ҳар бир кўриб чиқиладиган лингвомаданиятда миллий олам манзарасининг ўзига хослигини шакллантирувчи воситасида ҳамда аксиологик қадриятларни белгиловчи устувор жиҳатларини белгилаш имконини беради»¹⁰.

Биз таҳлил қилган асарларда «бурч» концепти қаҳрамоннинг ижтимоий келиб чиқиши, ёши, касби, ақл заковати ва маданий дунёқараши билан мутаносиб тарзда қатор маъновий йўналишларга эга. «Бурч» ва «виждон» универсал концептлари ўзбек ёзувчиларининг асарларида умуминсоний, узул маънони ўз ичига олиб, ўзига хос муаллифлик талқинида тақдим этилиши мумкин.

«Бурч» концепти асарларда кичикнинг катталар олдидаги бурчи, таомиллий бурчи, меҳмонновозлик бурчи, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлардаги бурчлари, анъана маросимлардаги бурчлар (тўй/жаноза), мусулмонлик бурчи каби миллий менталитетдаги ўзига хос этник таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин.

«Бурч» ва «виждон» концептлари мавҳум отлар воситасида ифодаланувчи тушунчаларни акс эттиривчи концептлардир. Л.О. Чернейко таъкидлашича, бурч ва диёнат каби тушунчалар мавҳум ва ноаниқ ҳисобланади. Шу боис, тадқиқотчи уларни: «Мавҳум отни компонент таҳлил қилишдан кўра, концептуал таҳлил орқали ўрганилиши унинг мантикий табиатини мувофиқроқ очиб беради», деб ҳисоблайди, ҳамда уларни «ўзгарувчан дискурсив тавсиф орқали» амалга оширишни таклиф қилади¹¹.

Ўзбек ва рус ёзувчилари қаламига мансуб асарлар контекстларида «бурч» ва «виждон» концепти камдан-кам ҳолларда бевосита акс топгани кўзатилади. Л.О. Чернейко томонидан таклиф этилган «дискурсив таҳлил модели» ўрганиладиган концептлар таржимаси тадқиқи учун энг мувофиқ деб топилди.

Матн таржимаси амалга оширилиши жараёнида тропли қурилмалар қўлланилиши, концепт қиёслаш воситаси сифатида фаоллашганида бадий концептнинг акс этирилиши масаласи ҳам тенгма – тенг мақомда юзага келади. Ушбу муаммо нафақат тилшунослик нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлиб, унда бадий концепт имкониятларнинг турфа хиллигини таржима фаолияти муваффақияти талқини ҳам намоён бўлади.

В.И. Карасик концепт таржимасининг самарали усулини қайд этган: «Бадий матнда миллий тилда ўз аксини топмаган ўзига хос муаллифлик концептлари ҳам воқеланиши мумкин бўлиб, бундай когнитив бирликлар учта усулда акс этирилиши мумкин: а) тасвирлаш орқали; б) ўзига хос муаллиф неологизмини яратиш орқали в) метафорадан фойдаланиш орқали»¹².

¹⁰ Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/cўz/ слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира. Автореферат дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – С.23.

¹¹ Чернейко Л.О. Лингвофилософский аспект абстрактного имени – М.: Наука, 1997. – С. 320.

¹² Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – С. 106.

Ўрганилаётган даврга мансуб ўзбек муаллифларнинг асарларида воқеланган «бурч/виждон» бадий концептлари яққол ифодаланган индивидуал - муаллифлик, миллий семантик ва аксиологик тасвирларни ўз ичига олган, уларда муаллифларнинг хоҳиш – истаклари ва миллий - менталитети намоён бўлади. Бадий концепт бадий матн «микромодели», шунингдек, таржиманинг биринчи босқичи сифатида концептуал таҳлилига оид энг муҳим масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама ва жиддий эътиборни талаб қилади.

Мазкур ишимизда тадқиқ амалиёти қўйидаги кетма-кетликда олиб борилди 1) концепт ўз аксини топган вазиятларни белгилаб олиш; 2) концепт ҳаракатини безовчи вазиятни белгилаб олиш; 3) концептнинг синергетик таржимаси таҳлили.

Ишда «образли концептлар» таҳлил қилинаётгани боис, назаримизда, таржиманинг айнан шу тури таржимонни аслият билан қатъий мувофиқлик қолипидан олиб чиқиб, сўзма-сўз таржимага риоя қилмасликка чорлайди, аслиятдаги образлилик негизи ҳамда концептлар туркумига асосланган ҳолда ижод қилиш ва ўз маҳоратини намоён қилиш имконини беради.

Инсон ҳар қандай маданиятнинг марказий концепти эканидан келиб чиқсак, унинг ахлоқий тавсифи «бурч ва виждон» сингари аксиологик концептлар орқали белгиланиши мумкин.

Бадий адабиёт миллий менталитетни маросимлар, урф – одатлар, ва этноконцептлар воситасида уларга образли ва ёрқинроқ тарзда тасвирлашини алоҳида қайд этиш керак. Концептнинг айнан аксиологик хусусияти этник компонентни ўз ичига олади ва бунда инсон маълум бир жамоа аъзоси сифатида тасаввур қилинади. Жумладан, «ҳашар» этноконцепти азалдан ўзбек маданияти таркибига сингиган бўлиб, у «ҳашар»да иштирок этувчи қўшни ва бошқаларнинг ҳамқишлоқлар олдидаги «бурчи»ни ҳам ўз ичига олади.

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасида «ҳашар» концепти асар қаҳрамонининг қўшнилари билан аҳил яшаш шартини ўлароқ акс этган. Муаллиф миллий менталитетга хос хусусиятни қўйидаги мулоҳаза билан мустаҳкамлайди: *«На хашар и меня пригласили. Если позвали, то не пойти нельзя» [Мурод,2013:16]; «Бир куни мени-да ҳашарга айтди. Ҳамсоячилик, қош бор, қобоқ борда».* [Мурод,2013:47]. «Ҳашар» ҳамқишлоқларнинг бир-бири олдидаги бурчининг синоними ҳисобланади.

«Бурч ва виждон» концептлари Э. Аъзамнинг «Ҳовонча» ҳикоясида ўзига хос равишда воқеланган (Ф. Ҳамроев таржимаси). Ҳикоянинг сюжети жуда оддий: Икки рус аёли олис ўзбек қишлоғига келиб қолишган. Марина ўзбек қишлоғига тақсимот бўйича Россиядан ўқитувчилик қилиш учун келган. Елена эса ҳарбий хизматда бўлган йигитга турмушга чиқиб келган. Қаҳрамонларнинг маиший ҳаётга мослашиши нафақат тил, балки урф - одатларни қабул қилиш асносида ҳам кечади. Қишлоққа келиб яшаётган бу аёллар «Одамлар нима дейди?» деган дастлабки ахлоқий қондани қабул қилишади. Шунинг учун «бурч ва диёнат» концептлари мазкур маконда этник ўзига хослик касб этади. Маринанинг қайнотасининг рус келинига муносабати унинг ҳаётини ва миллий дунёқарашини билан белгиланади: *«Чтобы перед односельчанами не было стыдно, отец его совершил мусульманский обряд бракосочетания» [Аъзам,2013:84]; «Номусга қолган ота бир товоқ ош билан уларни мусулмончасига никоҳлаб қўяди».*[ziyouz.uz]. С.В. Воркачёв концептни бежиз «миллий менталитет бирлиги»

сифатида тавсифламайди. Рус аёлининг ўзбек жамоасидаги хулқ атвори қишлоқда қабул қилинган меъёрларга тўғри келади. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг Марина ҳамқишлоқларнинг гап-сўзларини тассавур қилиб, мотоцикл минишга журъат этмайди: «*Смотрите, смотрите, на эту бабу...разъезжает по улицам на его мотоцикле. Чтоб тебе провалиться, бесстыжая*» [Аъзам,2013:82]; «*Қаранглар, қаранглар, эрининг бошига етгач, анови кампир кўчага мотоцикл миниб чиқипти! Ўл бу кунингдан, шарманда келгинди!*». [ziyouz.uz]. Марина таомилларни ҳаттоки кийим-кечак даражасида ҳам қабул қилган. Ёзувчи концептуал идроки бирор қисмининг бузилиши қахрамоннинг бадий концептнинг вазифалари ҳақидаги тассавури ўзгаришига урғу беради.

Э. Аъзам «бурч» концептини истеъмолга киритаётиб, унинг воқеланишини жамоанинг фикри билан тўлдиришни унутмайди. Марина турмуш ўртоғининг қабрига боришга иккиланади: «*...надо же сегодня без платка - если кто увидит, что скажет?*» [Аъзам,2013:88]; «*Қабристон дарвозасига етганда у бир зум тараддуланиб қолади. Ҳар-ҳар замон келиб турадиган жойи, бошига рўмол – пўмол ўраб олмаганини қаранг – кўрган биров нима дейди?*» [ziyouz.uz].

Маринанинг хулқ-атвори тасвири унинг томонидан нафақат ахлоқ меъёрларини қабул қилишини, балки атрофдагиларнинг гап-сўзларини назарда тутишини ҳам акс эттиради. Юкорида келтирилган мисолларда, «диёнат» этник концептнинг ўзига хос учта қирраси намоён бўлди. Инсоннинг жамиятда ўзини тутиши ҳамда жамиятнинг шахсга нисбатан муносабати ҳақида бошқача тасаввурга эга ғарб маданиятида бу ҳолни шакллантириб бўлмайди.

Шунингдек, миллий менталитетга хос «Одамлар олдида уят бўлади» анъанавий ахлоқий тушунча намоён бўладиган бир нечта мисолларни келтиришимиз мумкин.

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасида қариндошчилик алоқаларининг тушунилиши ҳам этник жихатдан тўлдирилган «бурч» концептини очиқ беради. Зиёдулло қайнисининг Тарлонни кераклигича парвариш қилмагани учун жаҳли чиқсада, жаҳлини очиқчасига кўрсатмайди: «*Шурину такое сказать нельзя. Его сестра у нас*» [Мурод,2016:41]; «*Қайнига илкис гапириб буладими...Опаси бизда!*»[Мурод,2017:134].

Ўзбекистонда яшаётган русийзабон ёзувчилари ўз асарларида маданий универсалиялар, миллий стереотиплар, табиат тўғрисидаги жонли тасаввурлардан моҳирона фойдаланадилар, шу аснода уларда ўзига хос менталитет ҳамда «туркистонлик рус» онги шаклланганлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин. «Концептлар, универсалиялар ва стереотиплар ментал табиати, турғунлиги билан умумий хусусиятга эга бўлиб, улар ўртасидаги чегара кўпинча ўзгарувчан бўлади»¹³. Китобхон миллий ўзига хос ҳаёт ҳақида ўқибгина қолмасдан, балки унда яшаб кўриши, ўзбек табиатидаги ҳар бир фаслнинг алмашилишини ўз кўзлари билан кўриши, одамлар билан шодлик ва қайғули дамларда мулоқот қилиши, тил оҳангини ҳис қилиши лозим.

Қайд этишимиз керакки, Ўзбекистонда яшаётган русийзабон ёзувчиларнинг асарларидаги концепт ва стереотипларнинг тадқиқ қилиниши ўзига хос

¹³ Володина Н.В. Концепты, универсалии, стереотипы в сфере литературоведения. – М.: Флинта: Наука, 2010. – С.38.

хусусиятларга эга. Стилистик услублардан иборат субматнларда яққол кўринадиган «миллий менталитет» намоён бўлади. Мазкур ҳолат қаҳрамоннинг жонли тафаккури миллий маданият белгиларини истиора, қиёслашга асосланган ҳолда, астойдил сингдиришида кўрилади.

Тошкентда туғилган ва Ўзбекистонда ҳаётининг катта қисмини ўтказган М. Гарнинг «Бобил тўзони» романида турли миллат ва элат вакиллари яшаётган маҳалладаги Мики исмли яҳудий боланинг ҳаёт манзараси яратилган. Хулқ стереотиплари (катталар ва кичиклар муносабати доирасидаги), хурофий белгиларга ва турли иримларга риоя қилиш, ҳатто саломлашиш ва хол-аҳвол сўраш нутқий ҳаракатларида ўзбек анъаналари ахлоқий меъёрларига тўлиқ амал қилинади. М. Гар романида миллий сифоят бўёқдорлигига эга модаллик сингдирилган одоб-ахлоқ меъёрлари эслатилади: «...вел себя, как положено, со старшими учтиво, с ровесниками...без высокомерия, с командирами с послушанием» [Гар,2013:26].

XX аср охиридаги ўзбек қиссаларда яққол ифодаланган этник таркибий қисмни ўз ичига олган мавзулар оқимини кузатиш мумкин. Бундай мавзулар қаторига пахта йиғимининг қоғоздаги «қўшиб ёзилиши», ёшу-катта аҳолининг «йиғим-терим учун кураш»га жалб қилиниши, энг муҳими, оддий «дала одами» томонидан мазкур ҳодисасининг салбий ҳодиса сифатида англаниши киради¹⁴. Ёзувчилар учун қаҳрамонлар ҳаётининг ҳамда можароларнинг ахлоқий мезонлари мазкур муаммолар доирасидаги «бурч/диёнат» аксиологик концептлари билан белгиланган.

Тоғай Муроднинг қиссасида бешта синфни тамомлаган Зиёдулло-қал, мисолида Сурхондарёдаги ҳақиқий «дала одами»нинг ҳаёт манзараси қайта яратилган. Ҳикоя жуда ҳиссий ва шахсий бўлиб, унинг катта қисмини «қаҳрамоннинг улоқдаги иштироки» тасвири эгаллайди. Муаллиф бундай нарративда мазкур концептларни соф лисоний кўринишда қўллай олмайди, чунки ушбу ҳолат қаҳрамон феъл-атворининг бадиий мантиғини бузиши мумкин. Ёзувчи асосий концептларни қаҳрамоннинг ҳаёт тарзи, унинг дунёқараши, жамоадаги ҳаётни англаши, оила муносабатлари, анъаналарга риоя этилиши орқали воқелантиради.

Тоғай Мурод яратган сиймосида миллий онгдаги универсал концептларнинг барча жиҳатларни воқелантириш мақсадида очик - кўнгил ва виждонли қаҳрамонни танлайди. Қиссадаги баъзи вазиятларда «бурч/диёнат» ўртасида алоқаларни фаоллаштирилиши Тоғай Мурод ижодкор шахсиятининг ахлоқий қоидалари томонидан қабул қилинишини намоён этади.

Ёзувчи наздида, улоқда иштирок этиш қишлоқдошлар олдидаги ахлоқий бурчни ҳам кўзда тутди: «Вы ведь народ представляете. С каким лицом посмотрим на людей?» [Мурад,2016:13]; «Сизлар, элнинг эътибори-да! Қайси юз билан элга рўпарў бўлаиз» [Мурод,2017:38]. Анъанавий миллий тушунчалар қаторига муаллиф томонидан бефарзанд Жўра-бобонинг хулқи ҳам киритилади: «ходит, не смея поднять голову. На свадьбах не поднимал глаз выше скатерти» [Мурад,2016:17]; «...боши эгилиб қолди. Юзи кўксига қараб қолди. Давраларда дастурхонда нкўз олмади» [Мурод,2017:51]. Зиёдулло, қариянинг исми

¹⁴ Мирзаев С. Узбекская литература XX века. – М.: 2010.; Камилова С.Э. Современный рассказ. – Т., 2016.

жаранглаши мақсадида унинг отини миниб улоқда иштирок этди «Главное, что имя услышит, тьма народу...Гнедой Джурь-бобо победил честно!» [Мурад,2016:18]; «Жўра бобонинг оти олди, дея қайта-қайта жар солсин, Жўра бобо деган номни олам-жаҳон одам эшитсин...» [Мурад,2017:53].

«Бурч» ва «виждон» концептларнинг воқеланиши пойга вазияти ва отнинг тавсифи билан боғлиқ: «Эй, распорядитель, хотя у тебя есть усы, но совести-то, оказывается, нет. Смотри, откуда бросился Тарлан, это было самопожертвование ради человека. Если такого отважного коня даже золотом осыплешь, все равно в долгу останешься» [Мурад,2016:13]; «-Ай баковул, мўйловинг бўлган билан инсофинг йўқ экан! –Қара, одамзотга фидойилигидан, Тарлон ўзини қаердан ташлади» [Мурад,2017:37].

Зиёдулло сиймосини тушуниш учун «бурч» концептининг ахлоқ билан боғлиқ асосий хусусиятини белгилаб олиш керак. Ёзувчи томонидан яратилган вазиятларда қаҳрамоннинг ғайриихтиёрий ҳаракатлари, атрофдагиларга муносабати уларни сўзлашдан кўра, ҳаракат қилишга ундайди. Мазкур вазиятни шартли равишда «чойхона»да кўриб чиқсак, бунда чойхонанинг меҳмонлари ҳодиса иштирокчилари ёки бетараф кузатувчиларига айланади. «Йўл-йўл чопон кийган» одамнинг дўппосланиши ички ишлар органлари ҳодимлари томонидан ўз касбий «бурчини» бажармаслиги тариқасида тасвирланади: «Это нас не касается. Этот участок относится к другим милиционерам. Мой – в стороне винзавода» [Мурад,2016:29]; «-Бизга алоқаси йўқ! –Бу ер бошқа бировнинг участкаси! Бизнинг участкамиз винзавод тарафда!» [Мурад,2017:95]. Худди шундай тарзда Гиппократ қасамини ичган тез тиббий ёрдам шифокори ўз касбий бурчини адо этмайди: «Мы едем по вызову.... Вызовите другую машину» [Мурад,2016:30]; «-Бизнинг заказимиз бор бошқа скорый помощь»чақиринглар! [Мурад,2017:97].

Т.Мурад учун жамиятда юриш – туриш ахлоқий меъёрларига амал қилувчи одам ўз фуқаролик бурчини фавқулодда вазиятларда ҳар доим фаол бажариши кераклигини таъкидлаб ўтиш муҳим. Айни вазиятда эса, концептнинг лисоний баён қилиниши эмас, балки қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатлари муҳимроқ ҳисобланади. Ёзувчи гўёки «Диёнат» концептининг ассоциатив майдонини ривожлантирувчи асос-ўқ илдизини яратмоқда: 1). Қаҳрамоннинг муносабати: «У меня внутри все зацемило»; 2). Нотаниш одамни ҳимоя қилишга шайланган Зиёдуллонинг қатъий ҳаракатлари: «Схватил одного из парней за плечи, Другому вцепился в волосы»; 3). Шундан сўнггина концептнинг бевосита ўз номи билан аталиши: «У-у, совесть потеряли, набросились на одного» [Мурад,2016:30.]; «Иччимдан зилиб кетдим! Жоним ҳалқумимга келди! Бир бўзболани билагидан қушқуллаб ушладим. Кетига сермаб юбордим. Бошқасини сочларидан гижимлаб, четга тортдим.»–Имонинг куйгурлар! Бир мўмин бандани ўлдирасанми?» [Мурад,2017:96].

«Бурч» концептуал майдонига қиссанинг якуний қисмида очиб берилган «ўзини қурбон қилиш» тушунчаси киради. Тарлон ўз шеригидан қасос олувчи разилларга кўра кўпроқ инсоний хусусиятларга эга. Айнан Тарлон эгасини ҳимоя қилиб, ўз бурчини бажаради. Унинг даҳшат солувчи кўриниши ва ҳаракатлари безориларнинг ҳайқириғида ифодаланган: «А-а-а, лошадь, лошадь! Беги, лошадь мчится» [Мурад,2016:52.]; «-Э-э-э, от! –Қоч, от келаяпти!» [Мурад,2017:169].

Ишнинг «Бурч ва виждон» концептининг ўзбек ёзувчилар асарлари ва таржималарида воқеланиши» деб номланган иккинчи бобида кўриб чиқиладиган концептларнинг таржима жараёнида лисоний ифода топиши билан боғлиқ муоммолар батафсил ўрганилган.

Кўпжиҳатлилиқ таржиманинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Олимлар таъкидлаганидек, таржима иккита ва ундан ортиқ тил воситасида амалга ошириладиган мулоқот тури ҳисобланади, лекин бу тўла-тўқис таъриф эмас. Самарали таржима амалга оширилиши учун ҳамкорлик қилувчи халқлар маданияти билан боғлиқ бўлган мулоқот хусусиятларини инобатга олиш зарур. Боз устига, таржима жараёнига таржима қилувчи ва таржима қилинувчи объектлар, таржима адресати, турли ролларни бажарувчи инсонлар жалб этилган. Шунинг учун биз психофизиологик, социологик ва ахлоқий кўринишдаги муаммоларга дуч келишимиз мумкин. Таржиманинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқида мазкур омилларни ҳисобга олиш лозим. Шу боис, таржимашунослиқ бир нечта фан билан боғлиқ бўлган илмий йўналиш ҳисобланади.

Таржимоннинг лисоний шахсияти ва унинг мақсадини инобатга оладиган замонавий назарий фан таржима жараёнининг динамик табиатга эгаллиги ҳақида хулосага келади. Бу борада таржимани «синергетик тизим» сифатида номлаган Л.В. Кушнина қуйидагиларни таъкидлайди: «Таржимон таржима матни асл матнга айнан ўхшаш бўла олмаслигини англаши лозим. Таржима матни ўзига хос хусусиятларни мужассам этиб, асл матн каби ноёб ва бетакрор бўлади»¹⁵. Фикримизча, ушбу мулоҳазалар ўринли, чунки уларда ёзувчи ва таржимонга хос бўлган лисоний шахсиятининг барча жиҳатлари, уларнинг миллий ўзига хослиги, адабий ва маданий мақсади, дунёқараши инобатга олинади.

Агар таржимонга асл матндаги сиймо яқин бўлса ва қаҳрамоннинг ҳаракатлари ҳиссий жиҳатдан қабул қилинса, таржимада мазкур яқинликни акс топганлигини сезишимиз мумкин. Таржимон В.Коткин Зиёдулло-калнинг ғайриоддий шахсиятини меҳр билан тасвирлаган (Т.Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссаси), шунинг учун ўзбек ва рус тилидаги иккита матн ўртасидаги баъзи тафовутлар сезилмайди.

Тадқиқотимизда концептуал таҳлил объекти бўлган «бурч», «виждон» концептлари XX-асрнинг охири- XXI-аср бошида ёзилган ўзбек насрий асарлари концептосферадаги асосий унсурлар ва айни пайтда «таржиманинг яширин бирликлари» тариқасида аниқланди ва тадқиқ қилинди.

Мазкур фикр айрим олимларнинг ҳар қандай иккита тил ўртасида тиллараро номутаносиблик мавжудлиги ҳамда таржима ҳар доим номутаносиб чиқиши ҳақидаги мулоҳазасини инкор этмайди. Чунки русийзабон ўқувчига ўзбек одамга тушунарли ва таниш концепт маъноларнинг бутун бойлигини таржима орқали етказиш қийин. Таржимоннинг маҳорати ва истеъдоди (маданият, лисоний эркинлик, тил туйғуси, ёзувчи ижодини мукамал билиш) контекстга муқобил сўзни тезкор танлашни ўз ичига олади. Таржимоннинг маҳорати, шубҳасиз, ўгирилган сўзнинг аниқлигидан эмас, балки ассоциациялар учун зарур бўлган ҳиссий асоснинг яратилишидан иборат.

¹⁵ Кушнина Л.В. Концептуальные основания синергетики перевода// Введение в синергетику перевода. – Пермь: Изд-во Пермского национального политехнического университета, 2014. – С. 19.

Мурад Муҳаммад Дўст насрида аксиологик маънодаги ҳамда ўзига хос муаллифлик талқинидаги «бурч/диёнат/уят» концептлари устувордир. Мазкур концептлар ўзбек маданиятидаги анъаналар ва таомиллар билан боғлиқ бўлган муайян вазиятларда алоҳида этник мазмунини ифодалайди.

Ёзувчи юксак маънавият, инсонийлик, анъаналарга риоя қилиниши, асл ватанпарварликни ўзи яратган образларининг қийматини белгилайди, деб ҳисоблайди. В. Коткин томонидан таржима қилинган «Ювош Мустафо» қиссасида ҳар қандай ишга жон-дилини беришни, моддий гўзалликни яратишни биладиган меҳнаткаш инсонга нисбатан мақтовда ифодаланган муаллифлик ижобий модаллиги сақланган. У ясаган буюмлар содда бўлсада, лекин виждонан, сифатли ишланган, шунинг учун: *«Конские потники, которые делает Мустафа, славятся на всю округу, умеет мастерить крепкие седла для ослов, конские покрывала... шьет себе и жене мягкие кауши»* [Дост,1987:11]; *«...ўзига, кампирига кавуш тикади. Хуши келса, тоштовон этик тикишиниям эплайди... жабдуқ тикишга ҳам уста...»* [Дўст,1989:7]. Равшанки, концептнинг семантик унсури вербаллашувсиз ҳам тушунарли бўлиши мумкин.

Назаримизда, Мустафо «дунёвий одам» концептининг том маънодаги вакилидир, чунки у туғилган ва яшаётган она замини олдида ўз бурчини бажаради: *«...сплошная живая изгородь. Этим и красив теперь двор Мустафы: войдешь – и глазам радостно»* [Дост,1987:7]; *«Хуллас, Мустафонинг жойи-яхши»* [Дўст,1989:6]. Муаллиф «бурч/диёнат» концептларининг мазмунини асослаш мақсадида қаҳрамон феъл-атворининг ювошлиги ҳақида ҳикоя қилади. Мустафо кўпинча бирор нарса сўрашга уялади. Ҳаттоки ёшлик даврининг машаққатли йилларида ҳам «эркак сифатида далада ўз заифлигини кўрсатишга уялиб юради». Унинг учун виждонли одам андишалилик мезони ҳисобланади. Юқоридаги айтилганлар ҳамда «диёнат» концепти номинатив майдонининг бойлиги қиссанинг номини асослайди. Таржимон В.Коткин қисса номига рус тилидаги «кроткий» эпитетини бежиз киритмаган. Ҳаттоки дўстлари ҳам Мустафодан қатъийлик талаб қилишади: *«Да будьте вы хоть раз мужчиной. Чего вы стесняетесь?»* [Дост,1987:53]; *«-Сиз ҳам бир марта эркакча иш қилинг-да, Мустафо!..-Иккиланманг-да!»*[Дўст,1989:38]. Фикримизча, таржимоннинг концептга жонли қўшимча киритиш ёки уни кенгайтиришга «ҳаққи бор» ва йусинда В.Коткин асарни вазиятга мос, эквивалент ва уйғун тарзда ўгирган.

Шунингдек, В.Коткин қаҳрамоннинг қишлоқдошлари олдидаги «бурч»нинг вербаллашмаган концептини тақдим этади: *«Иногда, под каким-либо предлогом, сам угощает народ, иногда со стариком Хуччи и Ибадулло Махсумом ходит на свадьбы или на похороны, но все это, как говорится, дань тому, что ты человек и живешь среди себе подобных.»* [Дост,1987:31]; *«Баъзида Ғуччи чол билан Ибадулло Махсумга қушилиб, қишлоқнинг тўйига боради, азасига боради, ўзи ҳам бир узру баҳона билан элга ош улашади»* [Дўст,1989:23].

Урф - одатларнинг миллий хусусиятлари намоён бўладиган вазиятларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, Мустафонинг жиянига совчи бўлиб борган вазиятида «рол»ларнинг (совчилар, келин онаси, келин) тақсимланиши содир бўлади ва шунга биноан «бурч/диёнат/уят» концептлари доирасидаги хулқ манзараси шаклланади. Совчиларнинг ушбу муҳим вазифасининг кейинги босқичи ҳам

миллий таомиллар доирасида бажарилган. *«Мулла Данияр был человеком ученым, не зря десять лет проучился в бухарском медресе, он умел говорить с людьми, помнил все обряды, знал, когда как надо поступать. Он развязал узелок со сладостями и двумя лепешками. Но жена Тилло тоже была не душой, она знала: отведать хлеба другого, значит, во веки веков быть у него в долгу. Она принесла свой дастархан и разломилла свою лепешку».* [Дост,1987:40]; *Мулла Дониёр мадраса кўрган одам эди, расмини қилиб, белбогига ўралган иккита нонни ўртага қўйди. Лекин Тилланинг хотини ўзининг дастурхонини келтириб, ўзининг нонидан ушатди.* [Дўст,1989:31].

Куринадики, В.Коткин русийзабон ўқувчи учун ўзбек таомилларнинг нозик тарафларини баён қилиб, таржима доирасини янада кенгайтиради. «Ювош Мустафо» қиссасида «диёнат» концепти кўп маротаба учрайди ва баъзан қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига синонимик тушунчалар орқали урғу берилади. У жияни Усмоннинг кайфияти ва муаммоларига эътиборли бўлиб, ғамхўрлик қилади, унинг қарзларини тўлаб беради *«Обоим было стыдно и неудобно... Усману без тебя тошно»* [Дост,1987:48]; *«...қайтишида на Мустафо, на Усмонали чурқ этиб огиз очди... Ҳозир юрагига гап сизмайди»* [Дўст,1989:33]. Бу орқали «Уят» концепти «диёнат» концептуал доирасига кириб келади.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш» қиссасида дастлабки назарда ёзувчининг ижодига хос бўлган қаҳрамонлар ҳақида гап кетмаётгандай. Барча қаҳрамонлар мансаб зинапоясидан тез кўтарилиб, шаҳарда яшайди, бироқ улар Галатепада туғилиб ўсган ва «галатепалик» ҳисобланади. Асар таржимони К.Ҳақимов зуллисонан таржимон бўлиб, «миллий стереотиплар»ни мукамал тарзда тушунади. Унинг учун миллий маданият- ранг ва буёқларнинг бутун ҳажмидаги очик дунёдир. Шунинг учун бундай «этник» қиссанинг таржимасида уйғунликка эришилган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Мурод Муҳаммад Дўст ўз қаҳрамонларини Галатепада яшовчилари сифатида тасвирлайди. Ёзувчи уларни ўзининг туркум асарларидаги персонажлар сафига киритади. Уларнинг ҳар бири муайян феъл-атвор соҳиби ва ахлоқий қоидаларга амал қилади.

